



САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

ЎЗХДП гуруҳи ташаббуси билан

«Дори воситалари ва
фармацевтика фаолияти
тўғрисида»ги Қонуннинг Бухоро
шаҳридаги ижроси ўрганилди

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб
борилаётган кенг қўламли ислохотлар сама-
раси ўлароқ, аҳоли саломатлигини муҳофа-
за қилиш, касалликларнинг олдини олиш,
ташхис қўйиш ва даволаш ишлари йилдан-
йилга такомиллашиб, сифати ошиб бораёт-
гани кузатилмоқда. Бу жараёнда аҳолини
дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъ-
минлаш ҳам ана шу ислохотларнинг ажрал-
мас қисмига айланди.

Маълумки, Ўзбекистон ХДП Сайловолди
дастурида дори воситалари муомаласи ва
фармацевтика фаолияти соҳасидаги муно-
сабатларни тартибга солиш масаласига
алоҳида эътибор қаратилган. Шунга муво-
фиқ, халқ депутатлари маҳаллий Кенга-
шларидаги партиямиз гуруҳи бу борада амал-
га оширилаётган ишларни изчил ўрганиб
бормоқда.

Яқинда халқ депутатлари Бухоро шаҳар
Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи давлат тасар-
руфидаги ва хусусий дорихоналарда «Дори
воситалари ва фармацевтика фаолияти
тўғрисида»ги Қонун ижроси билан боғлиқ
ишлар бўйича назорат-таҳлил олиб борди.

Депутатларнинг қайд этишича, бугун
Бухоро шаҳрида 108 хусусий, 12 давлат та-
сарруфидаги дорихона фаолият юртиб кел-
моқда. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбеки-
стон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг до-
рихона муассасаларини давлат тасарруфи-
дан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғри-
сидаги қарорига кўра, давлат дорихонала-
ри хусусийлаштирилган. Фақат даволаш-
профилактика муассасалари қошида фао-
лият кўрсатаётган дорихоналаргина давлат
ихтиёрида қолдирилган. Тиббиёт маскан-
ларининг эҳтиёжи ва молиявий имконият-
ларидан келиб чиқиб, дорихонадаги дори
воситалари тури шакллантирилган.

Шаҳардаги дорихоналар ва уларнинг
бўлимлари дори-дармон ҳамда тиббиёт во-
ситаларини сотиш бўйича санитария қонда-
лари ва меъёрларига, ёнги хавфсизлиги
талаблари ва шартларига мувофиқ жиҳоз-
ланган. Дорихоналар терминаллар, касса ап-
паратлари билан таъминланган.

► Давоми 2-бетда.

КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?

Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги
шукуҳли кунларда Академия тингловчиларининг навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди.



АКАДЕМИЯ — БУ ОДДИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ЭМАС

Ёки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ташкил
этилиш тарихи ва эл-юрт осойишталигини сақлашдаги аҳамияти ҳақида

3

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ФОТО КЎРГАЗМАСИ



Бугунги Алишер Навоий хиёбони ва унинг аввалги ўрни.

НАВОИЙ: БУГУН ВА КЕЧА



4

ХУШХАБАР!

Айни пайтда мамлакатимиз
спортчилари август ойида Рио-де-
Жанейрода бўладиган XXXI ёзги
Олимпия ўйинларига пухта ҳозир-
лик кўришмоқда. Жумладан, оламга
машҳур Оксана Чусовитина ушбу
нуфузли мусобақада еттинчи ма-
ротаба қатнашади.

Оксана Чусовитина яна шоҳсупада



Яқинда Туркиянинг Мерсин шаҳ-
рида спорт гимнастикаси бўйича
ўтказилган «World Challenge Cup» ха-
лқаро турнирида ҳамюртимиз икки
бор шоҳсупага кўтарилди.

У мусобақанинг таяниб сакраш
баҳсларида 15,325 балл жамғариб,
олтин медалга сазовор бўлди.
Шунингдек, у яқинда машқ ба-
жаришда 13,500 балл тўплади ва ку-
муш медал билан тақдирланди.

Ушбу мусобақа Оксана учун на-
вбатдаги ёзги Олимпия ўйинлари ол-
дидан муҳим тайёргарлик вазифа-
сини ўтади.

Қизларгул ШОМИРЗАЕВА

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Бошланғич ташкилотлар — партияимизнинг мустаҳкам таянчи

Бугун сиёсий партиялар жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллаши
учун электрат манфаатини самарали ҳимоя қилишга қаратилган
ҳаётий таклифларни илгари сурмоқда. Ушбу жараёнда бошланғич
ташкилотлар ташаббускорлиги алоҳида ўрин тутди. Зеро, БПТ
электрат билан бевоқиф ишловчи, жойлардаги ижтимоий муам-
молардан хабардор бўғиндир. Унинг фаолиятини кучайтириш ор-
қали сиёсий партия ўз дастурий мақсад ва гоёларини амалга оши-
риш йўлида самарали натижаларга эришади.

Юқори Чирчиқ туманида Ўзбе-
кистон Халқ демократик партияси
Тошкент вилоят кенгаши ташаб-
буси билан илгор бошланғич таш-
килотлар фаолиятини ўрганиш ва
уларнинг тажрибаларини омма-
лаштириш мақсадида ўқув амалий

семинар ўтказилди.

Унда ЎЗХДП Марказий Кенгаши
ҳодимлари, Олий Мажлис Қонунчи-
лик палатаси депутатлари, БПТ ра-
ислари ва жамоатчилик вакиллари
иштирок этди.

— Бошланғич партия ташкилот-

лари фаолиятини кучайтириш учун,
аввало, уларнинг етакчиларини
қўллаб-қувватлаш, фаоллик кўрсати-
тишдан манфаатдорлигини ошириш
керак, — дейди ЎЗХДП Тошкент
вилоят кенгаши раиси Мехроҳ
Дархонов. — Етакчиларда тажри-
ба етишмаса, аъзолар билан иш-
лашни билмаса, бошланғич ташки-
лотларда иш юришмайди. Демак,
сиёсий ва фуқаролик маърифати
тизимидagi ўқувларни кўпроқ қу-
йда ташкил этиб, етакчилар учун
ўзаро тажриба алмашиш имкония-
тини беришимиз лозим.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗХДП ҲАЁТИДАН

ЎЗХДП Жаркўрғон туман кенгаши, «Фаол аёллар» қаноти ту-
ман бўлими қатор ҳамкор ташкилотлар билан бирга «Ижтимоий
ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси доирасида меҳ-
нат ярмаркаси ўтказди.

«Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари»

Дастлаб мутасадди ташкилот-
лар ва ёшлар ўртасида очик му-
лоқот ташкил этилди. Мазкур суҳ-
батда оилавий тадбиркорлик, хиз-
мат кўрсатиш ва сервис соҳасини
ривожлантириш, ҳудудий инвести-
ция дастурларига муқобил лойи-
халарни ишлаб чиқиш, касб-хунар
коллежлари битирувчиларини
эгаллаган мутахассислиги бўйича
ишга жойлаштиришнинг самара-
ли шакллари жорий этиш, жа-
моатчилик, депутатлик назорати-
ни изчил йўлга қўйиш масалала-

ри ҳақида фикр алмашилди.

Меҳнат ярмаркасида 47 нафар
вақтинча ишсиз фуқаро халқ ҳўжа-
лигининг турли тармоқларига ишга
жойлашиш бўйича йўланма олди.
40 нафарга яқин фуқарога меҳнат
қончилиги юзасидан ҳуқуқий мас-
лаҳатлар берилди.

Тадбир якунида 9 нафар йигит-қиз
ЎЗХДП аъзолигига қабул қилинди.

Нилуфар ШАЙМАНОВА,
ЎЗХДП Сурхондарё вилоят
кенгаши сектор мудири.

ҚОРАЎЗАК ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ
ТАШАББУСИ БИЛАН АҲОЛИНИНГ РЕПРОДУКТИВ
САЛОМАТЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, ОНАЛАР,
БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СОҒЛИҒИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА ТЕГИШЛИ ДОИМИЙ
КОМИССИЯСИДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

САЙХУНОБОД ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯ
ГУРУҲИМИЗ ТУМАНДАГИ ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИ
ҲАМДА САВДО ДЎКОНЛАРИДА ТЕРМИНАЛ
ТАРМОҒИ ВА ОНЛАЙН ТЎЛОВЛАР ТИЗИМИНИ
ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДА ОЛИБ
БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИНГ ҲОЛАТИНИ
ЎРГАНДИ.

ОЛТИАРИҚ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯ
ГУРУҲИМИЗ ТАКЛИФИ АСОСИДА ЁШ ОИЛАЛАРНИ
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ, УЛАРНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДАГИ МАСАЛА ТЕГИШЛИ
ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИДА МУҲОКАМА
ҚИЛИНДИ.

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг
Бухоро шаҳридаги ижроси ўрганилди

Афсуски, баъзи тадбиркорларимиз ўз фаолиятига масъулиятсизлик билан қараб, қонунбузарликларга йўл қўйиб келмоқда. Мониторинг натижасида маълум бўлишча, дорихоналарнинг аксариятида номутоахассис шахслар ишлаб келмоқда.

— Фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди **ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси Робия Казимова**. — Сайловчилар билан учрашувларда ҳам бу масалада кўплаб мурожаатлар бўлмоқда.

Масалан, бепул тарқатиладиган дори воситалари учун ҳар йили Давлат бюджетидан зарур маблағ ажратилади. Бундай дори воситаларининг манзилли тарқатилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш, айниқса, масъулият ва ҳабардорлиқни ошириш керак.

Назорат-таҳлил натижалари дори воситалари нархларини мувофиқлаштиришда ҳам айрим камчиликлар учраб турганини кўрсатмоқда. Бир хил турдаги дориларнинг дорихоналардаги нархлари ўртасида сезиларли тафовут борлиги тўғрисида мурожаатлар бўляпти. Янги тахрирда қабул қилинган қонун ҳаётга қанчалик самарали жорий этилса, бу борадаги муаммолар шунчалик камаяди, деб ўйлаймиз.

— Ҳаммага маълумки, дори воситаларининг айрим турларини сақлаш ва ташиш алоҳида шарт-шароитни талаб этади, — дейди **ҳалқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Лола Аҳадова**. — Бу дориларнинг сифати, ҳавфсизлиги ва самардорлиги ҳам таъсир қилади. Шу боис дори воситалари сақланадиган омборхона бинолари, уларнинг тегишли тарзда жиҳозланиши, сақлаш даврида ҳаво ҳарорати режими ривож этилиши амалдаги санитария қоида ва меъёрилари ҳамда гигиеник нормативлар талабларига мувофиқ бўлиши керак. Лекин биз назорат-таҳлил давомида «Гулшод фарм люкс» дорихонасида санитария ҳолати бўзилгани, дорихонада дори воситаларини ёш боғлар сотилаётганига ғувоҳ бўлдик. «Хуршидбек Адиба сервис» каби баъзи дорихоналар ходимлари эса



Суратда: ҳалқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари навбатдаги долзарб масалани муҳокама этишмоқда.

Шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда ҳалқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари шаҳардаги дорихоналарда санитария ҳолатини депутатлик назоратига олиш ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича муҳим тавсияларни билдиришди.

оқ ҳалатсиз хизмат қиляпти.

Шунингдек, дорихона эгалари фармацевт маълумоти бор кишиларнинг дипломидан фойдаланиб, ўзаро келишув асосида провизорларнинг номига лицензия олиб, ноқонуний равишда дори воситалари савдоси билан шуғулланаётган ҳоллар ҳам маълум бўлди.

— «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига кўра, дорихона бошқарувчиси фармацевтика бўйича олий маълумотли ва 3 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши керак, — дейди **ҳалқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутати Нодирбек Хўжаев**. — Мажбурий савдоси билан шуғулланувчи шахс эса албатта фармацевтик билимга эга бўлиши талаб қилинади. Қонун асосларга кўра, тиббиёт коллежларининг фармацевтика йўна-

лишини битираётган ёшлар ҳам дорихонани бошқариши мумкин. Аммо улар олий маълумотли провизор бошқаруви ва назоратида бўлиши шарт. Бироқ, провизорларимиз ўз номларига дорихона очиб, ўзлари эса бошқа жойларда ишламоқда.

Масалан, шаҳардаги «Дентал блеск» дорихона сотувчиси 17-сон мактабининг 7-синфда ўқиши маълум бўлди. Шунингдек, дорихонанинг лицензия муддати ўтган. Бундан ташқари, ўрганиш вақтида дорихоналарда нархлар ўртасидаги тафовут ҳам бизни ажаблантирди. Қонунга кўра, дори воситалари импорт қилинганми, ўзимизда ишлаб чиқарилганми, бундан қатъи назар, биринчи қўйилган нарх 20 фоиздан ошмаслиги лозим. Дори воситаларининг устама нархи улгурчи савдода 20 фоиз, чакана савдода 25 фоиздан ошмаслиги керак. Лекин «Муяссар фарм» дорихонасида

«Клинэнема» дори воситаси устама нархи 69 фоиздан юқорилиги аниқланди. «Шамсиддин Умид» дорихонасида эса дори воситасининг муддати ўтган ҳолда сотувга қўйилган. Биз инсон соғлиғи, манфаати — энг олий қадрият эканини унутмаслигимиз керак. Тиббиётда сифатли дори воситаларидан фойдаланиш фуқароларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, ҳар томонлама соғлом авлод дунёга келтириш ҳамда соғлом оилалар сонини янада кўпайтириш каби бир қатор вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Демак, бу ишга масъулиятсизлик билан қарашга ҳаққимиз йўқ.

— Аҳоли саломатлиги ҳақида сўз борганда, албатта, беморларни сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш масаласи биринчи ўринда туради, — дейди **ҳалқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Диффуза Замрудова**. — Шу боисдан ҳам янги тахрирдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунда дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш, уларни сақлаш, сифатини назорат қилиш ҳамда расмийлаштириш дорихоналар томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топган.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг инсон соғлиғига зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар аниқланган тақдирда, уларнинг тегишли тартибда муомаладан чиқарилиши белгиланган эди. Буларнинг барчаси дори воситаларининг сифатига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини билдиради. Бу эса албатта, ҳалқ вакиллари бўлган депутатларга катта масъулият юклайди.

Назорат-таҳлил натижаларидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, хусусий дорихоналар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Сессияда мутасадди ташкилотлар вакиллари дорихоналарда учраётган хато ва камчиликлар бўйича ўз саволларимизни бердик. Тўғриси, масала сессияда ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинди, пухта тақлифлар айтилди.

Депутатлар билдирган тақлифлар асосида сессия қарори қабул қилинди. Унга кўра, мутасадди ташкилотларга шаҳарда фаолият кўрсатган энг яхши дорихоналарнинг таърибасини оммалаштириш мақсадида кўргазмалар семинарлар ташкил этиш, дорихоналарда фаолият кўрсатган фармацевтларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш вазифалари белгиланди.

Шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда ҳалқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари шаҳардаги дорихоналарда санитария ҳолатини депутатлик назоратига олиш ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича муҳим тавсияларни билдиришди.

Айрим ҳолларда ҳудудимиздаги муаммолар ўрганилиб, сессияларга киритилса-да, баъзи мутасадди корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли уларнинг ижроси вақтида таъминланмаётган, дейишди депутатлар сўбатимиз давомида. Шунинг учун тегишли масалаларни сессия кун тартибига киритиш билан чекланмасдан, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтиришга, шу орқали муаммони ўз вақтида ҳал этишга жиддий эътибор берилганлигини алоҳида таъкидлашди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Академик Рубен Акопович Сафаров



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Фан ва техника тарихи соҳасидаги таниқли олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Рубен Акопович Сафаров 86 ёшида вафот этди.

Р.Сафаров 1930 йилда Андижон шаҳрида туғилди. 1953 йили Москва юридик институтини тугатди. 1963 йилда номзодлик, 1982 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Ўзининг 60 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида Р.Сафаров Андижон вилояти адлия бошқармаси ревизори, «Андижанская правда» газетаси муҳаррири, Давлат матбуот қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, «Правда Востока» газетаси бош муҳаррири лавозимларида самарали меҳнат қилди. Юртимизда тарих ҳамда журналистика соҳасини ривожлантириш ишларида муносиб ҳисса қўшди.

Р.Сафаровнинг ушбу йўналишдаги бир қанча рисола ва мақолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Жонқуяр ва меҳрибон инсон сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган. Унинг раҳбарлигида бир қатор фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Академик Р.Сафаровнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони, «Шуҳрат» медали билан мукофотланган эди.

Моҳир ташкилотчи, камтарин инсон Рубен Сафаровнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ,
Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИХОВ.

«Депутатлар — болаларга»

Соғлом она ва бола йили муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари «Депутатлар — болаларга» лойиҳасини амалга оширмоқда.

Лойиҳа доирасида вилоятдаги оромгоҳларда болалар учун турли спорт ўйинлари, театр томошалари ва бошқа ранг-баранг тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Ана шундай қувноқ тадбирлардан бири Урганч туманидаги «Шодлик» болалар оромгоҳида ўтказилди.

Партия фаоллари ва депутатлар болалар билан дилдан суҳбатлашди. Вилоят кўғирчоқ театри актёрлари томонидан болалар учун турли саҳна кўринишлари намойиш қилинди. Шунингдек, миллий спорт ўйинлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Тадбир якунида болаларга эсдалик совғалари топширилди.

Шерзод АЛИҚУЛОВ

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Бошланғич ташкилотлар — партияимизнинг мустаҳкам таянчи

Сиёсий партиянинг жамиятдаги таъсир кучи — бошланғич ташкилотлари фаолиятига бевосита боғлиқ экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Сиёсий партия ўз дастурий мақсадларини амалга оширишда, айниқса, электрорат муаммоларини ўрганиш ва уларга ечим топишда бошланғич ташкилотларга суянади.

— Партия гоёсини кенг тарғиб қилиш, сайловчиларга янада яқинроқ бўлиш, ЎзХДП электрорати билан ишлаш усулларини тақомиллаштириш, қўйи бўғинлар етакчиларининг билим ва малакасини ошириш борасида туман кенгашиимиз томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда, — дейди **ЎзХДП Юкори Чирчиқ туман кенгаши раиси Латифжон Мансуров**. — Тадбирлар ва ўқув-семинарларда электрорат билан ишлаш, партия гоёсини аҳолига чуқур етказиш, бунда тарғибот ишлари олиб боришнинг ноанъанавий шаклларида самарали фойдаланиш ҳақида атрофлича маълумотлар берил-



моқда. — Сайловда аҳоли катта ишонч билдириб, депутатни сайлаган, — дейди **«Нозима люкс-сервис» МЧЖ директори, туман Кенгаши депутати Гулчеҳра Ўтбосарова**. — Бугун сайловчилар берилган ваъдалар асосида ўз вакилларида амалий

иш кутяпти. Бу ишончни оқлаш, одамлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг турмуши янада фаровон бўлишига кўмаклашиш ҳар бир депутатдан катта масъулият талаб этади. Шу мақсадда сайловчилар билан ҳамнафас бўлишга ҳаракат қиламан. Илож борица ҳар ҳафта улар билан

учрашаман. Депутатлик фаолиятим давомида бир нарасга амин бўлдимки, аҳоли мурожаатларига юзаки ёндашиб бўлмайди. Бизга одамлар мурожаат қиляпти, демак, уларни нимадир ўйлантиряпти, қандайдир қийинчиликка учраяпти ёки бўлмаса ҳудудда ҳал қилинадиган муайян масалалар бор. Уларни вақтида ўрганиш, кечиктирмасдан бартараф этиш эртага рўй бериши мумкин бўлган катта муаммоларнинг олдини олишга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

— Шифохонамизда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бошланғич партия ташкилотини 2014 йилда ташкил этилган. Ҳозирги кунда сафимизда 300 нафар партия аъзоси жамланган, — дейди **Юкори Чирчиқ туман марказий шифохонаси шифокори Муҳиддин Норматов**. — Ҳар йили партия сафига янги аъзолар келиб қўшилмоқда. Жорий йилда ҳам ёш ходимлардан 15 нафари Ўзбекистон ХДП аъзоллигига қабул қилинди. Бошлан-

ғич партия ташкилотимизда партиянинг юқори ташкилотлари билан муносабатлар яхши йўлга қўйилган.

Партияимиз тизимидаги бошланғич ташкилотлар етакчиларини тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш мақсадида жойларда сиёсий ўқув-семинарлар ташкил этиляпти.

Дарҳақиқат, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидаги ус-тувор вазифалардан бири — аъзолар, тарафдорлар ва электрорат вакиллари ҳуқуқий билими ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдан иборат. Бу борада амалий иш олиб борган қўйи бўғин, шубҳасиз, партиянинг мустаҳкам таянчига айланади.

Ўқув машғулотларида депутатлар бошланғич ташкилотлар ва партия гуруҳларининг долзарб ижтимоий масалаларни ўрганиш бўйича ҳамкорлигини ривожлантириш йўналишлари хусусида фикр алмашди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК? (5-мақола)

■ «Хуқуқ-тартибот маҳкамаларини мустаҳкамлаш билан бирга, уларга кўмак бериш керак. Уларнинг меҳнатини қадрлаш билан бирга, обрўсини ошириш лозим».



Академиянинг криминалистик полигонидида машғулот пайти.



Ички ишлар ходими жисмонан бақувват ва эпчил бўлмоғи керак.



Намунавий милиция таянч пунктида амалий машғулот.



Академиянинг халқаро андозаларга жавоб берадиган замонавий бассейни.

АКАДЕМИЯ — БУ ОДДИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ЭМАС

Ўки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ташкил этилиш тарихи ва эл-юрт осойишталигини сақлашдаги аҳамияти ҳақида

Мустақилликка эришган ҳар бир давлат учун, аввало, ички тартиб-интизомни, тинчлик-осойишталикни таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Тарих сабоқларидан маълумки, баъзан ташқи душмандан кўра, ички зиддиятлар кўпроқ зиён-заҳмат келтиради. Амалдан ажралган аламзадалар, сохта шухратпарастлар, миллатчилар одамлар ўртасида бузғунчи гапларни тарқатади. Бунинг оқибатида турли тартибсизликлар, бош-бошдоқликлар юзага келади, тинчлик-барқарорликка путур етади. Бундай вазиятдан жиноятчи унсурлар фойдаланиб қолишга ҳаракат қилади. Одамларнинг мол-мулкига кўз олайтиради, ҳаётига таҳдид солади. Булар ҳаммаси бир бўлиб, мустақиллигини ҳавф остига қўяди, ҳали оёққа туриб олишга улгурмаган ёш давлат бошқарувига нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини уйғотади, эртанги кунга умидини сўндиради. Бунинг атрофимиздаги қатор мамлакатлар мисолида ҳам кўрдик.

Ўзбекистонда мустақилликнинг тузиллишини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органлари ва бўлинмалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг комплекс тизимини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Олий ва ўрта махсус милиция мактаблари негизига ички ишлар органлари мутахассисларини тайёрлаш ва бошлиқлар таркиби ходимларининг малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ташкил этилди.

Ушбу тарихий қарор талабларидан келиб чиқиб, Академия ўз фаолиятини қуйидаги асосий вазифаларни бажаришга қаратди: ички ишлар органларининг олий бошлиқлар таркибини тайёрлаш; ички ишлар орган-

ҳимоя қила оладиган миллий кадрлар тайёрлаш мумкин эмасди.

Ички ишлар вазирлиги Академияси бўлим бошлиғи лавозимида ишлаётган Абдурахмон Пардиев шундай хотирлайди:

«Олий мактабда 1991 йилда янги ўқув йили бошланишидан аввал Ўзбек тилида тахсил бериладиган ўқув гуруҳлари очиб беришларини сўраб мактаб раҳбариятига мурожаат қилдик. Уша даврда мактаб бошлиғи генерал Н.Ожиганов эди. У олий таълим муассасаси Иттифок Ички ишлар вазирлиги тасарруфидида эканлиги, бундай гуруҳлар ташкил этиш учун Марказдан рухсат олиш кераклиги, қолаверса, ўқув адабиётлари рус тилида бўлгани учун бунга ҳеч қандай имконияти йўқлиги айтиб, таклифимизни рад этган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори билан собиқ Иттифок Ички ишлар вазирлиги тасарруфидидаги Олий мактаб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Ушбу муҳим тарихий ҳужжат орзуларимиз ушалоғига асос бўлди».

Тахлиллар шунини кўрсатадики, мустақилликка қадам СССР ИИВнинг Тошкент Олий мактабидида туб аҳолига мансуб тингловчилар барча тингловчилар сонининг атиги 20 — 25 фоизини ташкил этарди, холос. Ўқув машғулоти фақат рус тилида олиб бориладди. Олий мактабда бор-йўғи 13 кафедра фаолият кўрсатарди, профессор-ўқитувчилар орасида туб аҳолига мансуб ходимлар бир ёки икки нафардан ошмасди.

Собиқ марказ республикаимизда «кадрлар апаратини мустаҳкамлаш»

халқини таҳқирлаш эвазига хизмат пиллаояларидан кўтарилиш бўлди.

Биргина мисол. 1986 йилда Тошкент олий милиция мактабидида об-ласть ва район миқёсидаги ички ишлар раҳбар-ходимларининг Бутун-иттифок ўқиши ташкил этилади. Унда Иттифокнинг турли бурчакларидан вакиллар иштирок этади. Ўқув йўғини очилиш маросимида Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигининг кадрлар бўйича ўринбосари А.Теплов кириш нутқи сўзлайди. Уша даврда Олий мактабда ўқув курси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлаган, ҳозирги кунда кафедра бошлиғи лавозимида хизмат қилаётган полковник Д.А.Юсупов шундай хотирлайди. «Мени, — деди А. Теплов ўз сўзида, — Коммунистик партия Марказий Комитети Ўзбекистонда социалистик қонунчиликка амал қилинишини назорат этиш учун жўнатган. Олиб борган текширишларимиз шунини кўрсатмоқдаки, Ички ишлар вазирлиги тизимидидаги миллий кадрларнинг аксарияти нопок одамлардир. Мен шу ерда ўтирганларга мурожаат қилиб айтманки, кимда-ким ишда ўзини кўрсатмоқчи, хизмат поғоналаридан кўтарилмоқчи бўлса, марҳамат, бизга келиб ишланг. Ўзингизга эмас, хизматдошларингизга ҳам шу гапни етказинлар. Ўзбекистонга келиб ишлайдиганлар учун ҳозирдан яна 300 та квартира ажратиб қўйилган».

Мана бу ерда ўтирган маҳаллий ходимлар тўғрисида айтадиган бўлсам, уларнинг ярмидан кўпи бугун бўлмаса эртага лавозимидан олинди ва келадиганларга жойларини бўшатиб беришди. Бу масалада мен сизларга юз фоиз қафолат бераман!».

Академияда дарслик ва қўлланмалар яратиш ишига миллий маънавият, миллий ва умумбашарий қадриятлар нуктаи назардан ёндашилди. Тингловчиларни давлат тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда методик адабиётлар билан таъминлаш ишлари амалга оширилди.

1997 йил 29 августда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Аҳоли ҳуқуқий тафаккурини юксал-

тириш бўйича давлат дастури» асосида Академияда таълим-тарбия ишлари янги босқичга кўтарилди. Таълим жараёнига янги дарсликлар, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва унинг асосида Ички ишлар вазирлигининг тегишли соҳавий хизматларини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган Ҳукумат қарорлари асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифати-га эътибор кучайтирилди.

Маълумки, таълим-тарбия сифати, аввало, профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятга боғлиқ. Шу боис, катта таҳрибга эга, академия нуфузига муносиб профессор-

ўқитувчилар танловида жиддий эътибор қаратилди.

1990 йилда Олий мактабда 5 нафар фан доктори, 40 га яқин фан номзоди бор эди. Уларнинг қарийб 80 фоизи Марказдан келган бўлиб, 1991-1993 йилларда ўз юртларига жўнаб кетди.

Бироқ, қисқа муддат ичида мавжуд қийинчиликларга барҳам берилди. 1993-2004 йиллар мобайнида Академия қошида докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ҳукуматимиз ёрдамида ташкил этилган Ихтисослашган кенгашда 12 докторлик ва 60 дан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Бу ўзбек ҳуқуқшунос олимларининг янги авлодини шакллантиришга хизмат қилди. Муҳими, Академияни ташкил этишда унинг олдига қўйилган илмий-педагог кадрлар тайёрлаш вазифаси бажарилишига эришилди.

Ҳозирда Академияда республика ички ишлар органлари учун «Тергов фаолияти», «Тезкор-қидирув фаолияти», «Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» ва «Эксперт-криминалистик фаолият» мутахассисликлари бўйича олий юридик маълумотли мутахассислар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, раҳбар кадрлар тайёрловчи Олий академик курслар, Ма-лака ошириш факультети ҳамда Сер-жантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилган.

Академияда тингловчиларни педагогик тест ёрдамида баҳолаш усулидан самарали фойдаланилмоқда. Ушбу мақсадда Академиянинг тест маркази ташкил қилинган. У замонавий компьютер технологияси ва нобд дастур билан таъминланган бўлиб, ушбу дастур бир йўла 100 нафарга яқин тингловчиларни синаш, оралиқ ва якуний назорат бўйича ўйлиқ, ошқора ва ҳолисона баҳолашни амалга ошириш имконини беради.

Академиянинг таркибий тузилмасига ҳарбий-дала ўқув маркази ҳам қиради. Бу ерда янги қабул қилинган тингловчилар ҳарбий хизмат тайёргарлиги фанлари бўйича зарур билим, қўнимка ва ўқувларга эга бўладилар. Юқори курс тингловчиларига эса махсус операцияларни амалга оширишга доир зарур қўнимка ва билимларни шакллантириш имконини беради.

Академияда тингловчиларнинг жисмоний тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилади. Улар спорт билан шуғулланишлари учун барча шaroитлар яратилган. Ақобир Қурбонов, Ботир Ҳужаев, Дилшод Орипов, Шерзод Ибрагимов каби спортчиларимиз кураш, дзюдо, бокс бўйича Осиё ва Жаҳон чемпионатлари ғолиблари бўлишган.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик неъматига ҳисобланган академиямиз ўз зиммасига қўйилган масъулиятли вазифани шараф билан бажариб келмоқда. Жисмонан соғлом, бақувват, ўз касбини пухта ўзлаштирган, юксак маънавиятли, қонун устуворлиги асосида яшайдиган, она юртига фарзандлик меҳри билан хизмат қиладиган садоқатли кадрлар тайёрланмоқда. Улар мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ҳимояси таъминлашишга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Шариф КОБИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси Ижтимоий-
гуманитар фанлар кафедралари
илмий-методик кенгашининг
раиси, доцент, полковник.



Академиянинг асосий ўқув биноси: бугун ва кеча.



лари учун олий маълумотли етук мутахассис кадрлар таркибини тайёрлаш ҳамда хуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш муаммоларини тадқиқ этиш; илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил топган ИИВ Академияси — мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда муҳим аҳамиятга молик воқеа сифатида кутиб олинди. Уша вақтда собиқ СССР ИИВ Тошкент Олий мактаби бўлиб, ўзбекистон Олий мактаби бўлиб, ўзбекистон Республикаси ИИВ тасарруфига ўтказилди ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Олий мактаби деб номланди.

1994 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўқув юртларининг

никоби остида Олий мактаб профессор-ўқитувчилари таркибига имкон қадар ўз вакилларини кўпроқ кириштишга ҳаракат қилган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «бошқа минтақалардан жўнатилган кадрларнинг баъзилари республика эҳтиёжлари ва кулфатларига ҳамдард бўлиш ўқда турсин, балки партия, совет ва хуқуқий муҳофаза этиш органлари ва бошқа органларда ўзларининг раҳбар лавозимларига тайинлашларини ўзбошимчалик қилиш учун берилган ёрлик деб билдилар».

1983-1989 йилларда «Ўзбекистонда социалистик қонунчиликти тиклаш» шiori остида республика хуқуқ-тартибот идораларига Марказдан қўллаб вакиллар жўнатилди. Хусусан, Ўзбекистон ССР ИИВ идораларига юзлаб ходимлар келди. Уларнинг асосий мақсади — социалистик қонунчиликти таъминлаш эмас, балки ўзбек

ИИВ Олий мактаби 1984-1991 йилларда асосан Марказдан юборилган ходимлар ҳисобига шакллантирилган ва улар тўсиқларсиз уй-жой билан таъминланган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги иқтисодий қийинчиликларга қарамадан ИИВ Академияси моддий-техник базасини замон талабларига мос равишда мустаҳкамлашга киришилди. Ўқув бинолари, ётоқхоналар, бир йўла 2000 нафар тингловчи овқатланадиган ошхона, муқаддас ҳисобланган саф майдон таъмирланди, қайта қурилди.

Академия ҳудуди ҳам замон талаблари асосида модернизация қилинди. Катта қўламда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада Академия кадрлар тайёрлаш сифати ва моддий техника базаси бўйича нафақат МДХ мамлакатларида, балки дунё

тириш бўйича давлат дастури» асосида Академияда таълим-тарбия ишлари янги босқичга кўтарилди. Таълим жараёнига янги дарсликлар, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва унинг асосида Ички ишлар вазирлигининг тегишли соҳавий хизматларини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган Ҳукумат қарорлари асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифати-га эътибор кучайтирилди.

Маълумки, таълим-тарбия сифати, аввало, профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятга боғлиқ. Шу боис, катта таҳрибга эга, академия нуфузига муносиб профессор-

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТАБКИ КУНЛАРИДАНОҚ ХУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАСИГА, ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА ҚАРАЛДИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ФОТО КЎРГАЗМАСИ

■ Эътиборингизга ҳавола этилаётган суратлар ўтмиш билан бугуннинг фарқини ёрқин акс эттирган бебаҳо ҳужжатлардир. Кўринг ва фикрланг, ўзингиз ҳулоса чиқаринг, азиз газетхон!

Ўзбекистон мустақиллик ва мустабидлик йилларида

Салкам олти йил бурун Қизилқум бағрида қад ростлаган қудратли саноат шаҳри ва нисбатан ёш вилоят ҳақида сўз кетганда, давлатимиз раҳбарининг: «Буюк шоир ва мутафаккир бобомиз номини улуғлаб келаётган, мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлиши Навоий шаҳри ва Ўзбекистон саноатининг фахри бўлган Навоий кон-металлургия комбинати тарихан қисқа даврда ҳар томонлама ҳурмат ва ифтихорга муносиб шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтди, мураккаб синов ва машаққатларни бошидан кечириб, улкан муваффақиятларга эришди ва дунё миқёсида шуҳрат қозонди», деган таърифи беихтиёр ёдга тушади.

Мустақиллик вилоят ҳаётида янги юксалиш даврини бошлаб

берди. Сўнгги ўн йилда юксак меъморий ечимга эга бўлган 350 иншоот бунёд этилди. 140 мактаб реконструкция қилиниб, 16 мактаб, 61 болалар спорт объект, 12 мусика ва санъат мактаби янгидан қурилди. 40 дан ортиқ кўп қаватли турар жой бинолари қад ростлади. 58 та массивда намунавий лойиҳа асосидаги 3482 уй бунёд этилди. Яна 800 уй жадал суръатларда қурилмоқда. «Қамолот» уйлари 280 нафар ёш оила кўчиб ўтди.

Қарийб 60 миллиард сўм маблағ сарфланиб, Марказий Осиёдаги ягона — Навоий давлат кончилик институтининг 2000 ўринли янги биноси қурилиши ниятисига етмоқда. 14 минг томошабини ўз бағрига олувчи стадион, замонавий «Амфитеатр», вилоят телерадио-

компанияси биноси, «Матбуот уйи», ҳўжалик судининг янги биноси, замонавий «Аквапарк», «Бахт уйи» бугун шаҳар кўрқига-кўрк қўрилмоқда.

Навоий кон металлургия комбинатида ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 баробарга ошди. Энг замонавий ноёб техника ва технологиялар ўзлаштирилиб, 1995 йилда Учқудуқ туманида 3-гидрометаллургия заводи, 2010 йилда Қўшрабат туманида 4-гидрометаллургия заводининг ишга туширилиши комбинатнинг дунёда етакчи олтин ишлаб чиқарувчи гигант корхоналар сафидан мустақам ўрин олишига замин яратди. Шунингдек, «Гужумсой», «Аристантау» олтин конлари, «Суграли», «Истиқлол», «Шимолӣ Конимех», «Кўхнур», «Мойлисой» конларининг фойдаланишга топширилиши эса ишлаб

чиқариш салмоғини янада оширишга хизмат қилди.

Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги Фармонида асосан ташкил этилган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси тараққиётининг янги саҳифасини очди.


Бугунги кунда ушбу ҳудудда 19 корхона фаолияти самарали йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан 100 турдан ортиқ рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Яна 5 лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётган. Бу маълумотлар вилоятда амалга оширилган бунёдкорликлардан бир шингил албатта.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган суратлар эса ўтмиш билан бугуннинг фарқини ёрқин акс эттирган бебаҳо ҳужжатлардир. Кўринг ва ўзингиз ҳулоса чиқаринг, азиз газетхон!


НАВОИЙ: БУГУН ВА КЕЧА




Навоий давлат кончилик институтининг бугунги ва кечаси бинолари.



Нурота туманидаги «Чашма» меъморий мажмуасининг ҳозирги кўриниши ва аввалги аҳволи.





Навоий темир йўл вокзали: бугун ва кеча



Навоий шаҳридаги «Дельфин» сузиш ҳавзасининг ҳозирги ва ўтмишдаги кўриниши.



Бу замонавий савдо мажмуи кўримсиз дўконлар ўрнида қад ростлади.



СПОРТ



ПОРТУГАЛИЯ — ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ!

Францияда футбол бўйича XV Европа чемпионати якунланди.

Финалда Португалия — Франция терма жамоалари ўзаро куч синашди. Учрашув кутилганидан-да кескин ва шиддатли бошланди. 17-дақиқада мезбонлар вакили Димитри Пайет билан португалияликлар сардори Криштиану Роналду тўқнашиб кетди. Орадан тўққиз дақиқа ўтган, жиддий жароҳатланган Роналду кўзда ёш билан майдонни тарқ этишга мажбур бўлди.

Ақсарият мухлислар бу ҳол Франция терма жамоасининг осон ғалаба қозонишига замин яратишини тахмин қилишганди. Аммо португалияликлар майдонда

ишонч билан ҳаракат қилишди. Ўйиннинг асосий бўлимларида ҳисоб очилмади. Наттижада жамоалар голиб номини аниқлаш учун яна 15 дақиқадан икки бўлим майдонда тўп суришди. Учрашувнинг 109-дақиқасида португалиялик Эдер ҳисобни очди — 1:0. Қолган дақиқаларда ҳисоб ўзгармади ва Португалия терма жамоаси ўз тарихида илк маротаба Европа чемпиони, деган шарафли унвонни кўлга киритди.

Бунгача Португалия футболчилари 1966 йилда жаҳон чемпионатида бронза, 2004 йилги Европа чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлишганди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш керакки, бир ой давомиди

Франция яшил майдонларида ўтган китъа чемпионати финал босқичида жами 51 учрашув ўтказилди. Ўнта шаҳарда ўтган ўйинларни стадионларнинг ўзиди 2351435 томошабин тўғридан-тўғри кузатиб борди.

Франция терма жамоаси ҳужумчиси Антуан Гризман еттига учрашувда олти бор рақиблари дарвозасини ишғол этди ва тўпурарлар баҳсида голибликни кўлга киритди.

Мусобақада Германия ҳамда Уэльс футболчилари бронза медаллари билан тақдирландилар.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Етук офицер ва сержант кадрлар тайёрланмоқда

Мудофаа вазирлиги томонидан офицер ва сержант кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда соҳа мутахассислари олий ҳарбий таълим муассасалари, Сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолияти ва уларнинг ҳарбий кадрларни тайёрлашдаги ўрни ҳақида маълумот беришди.

Ҳамма нарса таққосланганда билинади. Шу маънода бундан йигирма беш йил аввалги армиямизни бугунгиси билан қиёсласак, ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш мумкин. Миллий армиямиз энг замонавий курул-яроғ ва техника билан таъминланганлиги, ҳар қандай машаққатли синовларни шараф билан енга оладиган етук ҳарбийларимиз етишиб

чиққанлиги фикримиз тасдиғидир.

Маълумки, мустақиллигимизнинг илк кунларидан ҳарбий кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шунинг билан қайд этиш лозимки, ҳозирда Куролли Кучларимиз учун зарур бўлган барча мутахассисликлар бўйича кадрлар ўзимизда тайёрланмоқда. Фахрлансак арзийдиган олий ҳарбий таълим муассасаларимиз бор.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, 1990 йилда мамлакатимиз ҳудудида жойлашган учта олий ҳарбий билим юртида фақат учта йўналиш бўйича мутахассис офицер кадрлар тайёрланиб, маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Бугунги кунда Куролли Кучлар академиясида 7 та, Мудофаа ва-

зирлигининг олти олий ҳарбий таълим муассасасида 28 йўналиш ва мутахассислик бўйича юқори малакали офицер кадрлар мактабларида 26 йўналиш ва мутахассислик бўйича сержантлар тайёрланмоқда.

Матбуот анжуманида алоҳида қайд этилдики, мамлакатимизда ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замон талабларига жавоб берадиган самарали тизими яратилган. Бу эса миллий армиямиз сафларини пухта тайёргарликка эга, интеллектуал жиҳатдан етук, стратегик фикрлай оладиган мутахассислар билан тўлдиринишда кенг имкониятлар яратмоқда.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ПРЕСС-ТУР

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ 9 таълим йўналиши бўйича абитуриентларни кутмоқда

Тошкент ахборот технологиялари университетида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди.

— Олийғоҳимиз республикада телекоммуникация ва ахборот тизимлари соҳасида кадрлар тайёрлайдиган етакчи ўқув муассасаси ҳисобланади, — деди ТАТУ ректори Ўткир Ҳамдамов. — Самарқанд, Фарғона, Нукус, Қарши ва Урганч шаҳарларида ҳудудий филиалларимиз билан қўшиб ҳисоблаганда 10 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда. 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб «Ахборот ҳаёфсизлиги» бакалаврлик таълим йўналиши ва «Электрон тижорат» магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Университетда замонавий мультимедиа ва компьютер ўқув хоналари, ўқув-илмий лабораториялар, «Ўзбектелеком» АК, «Ucell», «ZTE», «Huawei» ва бошқа АКТ компаниялари билан ҳамкорликда 11 та

ўқув лабораториялари ташкил этилган. Университет Испания, Франция, Италия, Германия, АКШ, Буюк Британия, Хитой ва Япония каби 25 давлатнинг 42 университети, 8 илмий-тадқиқот марказлари, 12 ташкилот ва компаниялар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатган.

2016-2017-ўқув йили учун абитуриентлардан аризаларни онлайн равишда қабул қилиш мақсадида ТАТУ ва унинг ҳудудий филиалларида электрон қабул интерактив хизмати — qabul2016.tuit.uz тизими йўлга қўйилди. Ундан бақалаврият йўналишига ҳужжат топширувчи абитуриентлар фойдаланиши мумкин. Ҳозиргача 1000 нафардан ортиқ абитуриент онлайн орқали ариза топширган.

Пресс-тур якунида ТАТУ ва унинг ҳудудий филиаллари ўртасида видеоконференция орқали матбуот анжумани ўтказилди.

Мадина ЗОКИРОВА

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссияси аъзоси, «Қаршитехсервисмахсулот» масъулияти чекланган жамияти раиси
Санжар ТУРСУНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 759
9052
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:40
Topshirilgan vaqti — 22:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI